

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2025 йил 3 январь куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси Т.Вахобов, судья ёрдамчиси Ш.Алиёровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Ж.Отажонов, судланувчи Т.Қодировларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан Қодиров Таваккалжон Одилжон ўғлига оид 1-1501-2401/2929-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Қодиров Таваккалжон Одилжон ўғли (Qodirov Tavakkaljon Odiljon o'g'li), 1998 йил 27 июнда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, мукаддам жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2021 йил 17 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 26 октябрь кунги ажрими билан ўталмай қолган 1 йил 20 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ёлланма ишчи, Фарғона шаҳри, А.Яссавий кўчаси, 40-уй, 8-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини нусхасини 2024 йил 10 декабрь куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Т.Қодиров 2024 йил 10 октябрь куни Андижон туманида жойлашган дала четларидан оқиб ўтган сой қирғоқларида ўсиб турган ёввойи наша ўсимлигини кўриб қолиб, келгусида ўзи истеъмол қилиш мақсадида уни барг ва бошоқларидан териб олиб, ишқалаб, қўллари билан ширасини чиқариб, “гашиш” гиёҳвандлик моддаси ҳолатига келтириб, ундан бир маротаба чекиш йўли билан истеъмол қилиб, қолганини ёнида сақлаб келган.

2024 йил 19 октябрь куни Фарғона шаҳар марказидаги кийим бозорида жойлашган, “Мукамал нигоҳ” номли савдо мажмуаси олдида ҳаракатланиб кетаётган вақтида, Фарғона вилояти ИИБ тезкор ходимларида шубҳа уйғотиб у билан суҳбатлашиб, ёнлари икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтида, шимининг ўнг чўнтагидан, целлофан пакетга ўралган,



кўнғир рангли, ўткир хидли, кўринишидан гиёхванд моддасига ўхшаш моддани сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ундан мазкур моддалар келгусида текшириш мақсадида хужжатлаштириб олинган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 24 октябрь кунги № 1451-сонли хулосасига кўра, Т.Қодировдан ашёвий далил тариқасида олинган, тўқ жигар рангли, прессланган ҳолдаги ўзига ҳос ҳидли модда таркибида фаол гиёхванд моддаси таркибида тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу “гашиш” деб аталувчи гиёхванд воситалари туркумига киришлиги ва унинг соф оғирлиги 0,38 граммни ташкил қилишлиги аниқланган.

Ўтказилган судга оид нарколгия экспертизасининг 2024 йил 26 ноябрдаги 926-сонли хулосасига кўра, Т.Қодировда эпизодик «гашиш» гиёхвандлик воситаси истеъмол қилиши аниқланиб, у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Т.Қодиров судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 10 октябрь куни Андижон туманига борганида у ердаги дала четидан оқиб ўтган сой қирғоқларида ўсиб турган ёввойи наша ўсимлигини кўриб қолиб, барглари териб, қўли билан эзиб ишқалаб, думалоқ ҳолатга келтириб, келгусида ўзи истеъмол қилиш мақсадида шимини чўнтагида сақлаб келганлигини ва бир маротаба истеъмол ҳам қилгани, 2024 йил 19 октябрь куни Фарғона шаҳар, Марказий кийим бозорида жойлашган, “Мукамал нигоҳ” савдо мажмуаси олдида кетаётган вақтида, ИИБ ходимлари олдида келишиб, ўзларини таништиришгани ва ёнида ноқонуний нарсалар бўлса тақдим этишини сўрашганда, у шимини ўнг чўнтагида бўлган целлофан пакетга ўралган гашиш гиёхвандлик моддасини олиб топширганлигини, у ушбу гиёхванд моддани ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа қайтарилмаслигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ М.Ғафуров судда, 2024 йил 19 октябрь куни соат 15-00ларда Фарғона шаҳар марказидан жойлашган кийим бозорига борган вақтида, уни олдида ИИБ ходимлари келиб, бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганда, у ўз ихтиёри билан рози бўлганлигини, шунда ИИБ ходимлари ҳозирда судланувчи Т.Қодировнинг ёнида целлофан пакетга ўралган ўткир хидли яшил рангли моддани олиб берганлигини, у билан бирга яна бир нафар холис ҳам иштирок этганлигини, шу ҳолат юзасидан хужжатлар расмийлаштирилганлигини ва у ушбу хужжатларга холис сифатида имзо қўйиб берганлигини баён этди.

Судланувчи Т.Қодировнинг содир этган жинояти ўзининг айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ М.Ғафуровнинг суддаги кўрсатувлари, жиноят ишига қўшилган билдирги (и.в.4), кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш баённомаси (и.в.9), далилий ашёни тортиб кўриш баённомаси (и.в.12), суд-кимёвий экспертизаси хулосаси (и.в.13-14), тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланди.



Суд, судланувчи Т.Қодировнинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан Т.Қодировнинг гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаб, сақлаб, ташиганликда ифодаланган ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, судланувчи Т.Қодировга жазо тури ва меъерини белгилашда, юқорида қайд этиб ўтилган Конституция нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилиб, уни айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, ёшлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган ва ҳозирда ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг моддий-техника таъминот бўлимида сақланаётган Т.Қодировдан олинган ва экспертиза текширувидан сўнг қолган 0,30 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Қодиров Таваккалжон Одилжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Т.Қодировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаган жойларда ўталсин.

Жазо ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан ҳисоблансин.



Жазо ижросини таъминлаш Фарғона шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Т.Қодировга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган ва ҳозирда ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг моддий-техника таъминот бўлимида сақланаётган Т.Қодировдан олинган ва экспертиза текширувидан кейин қолган 0,30 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

(имзо)

Т.Вахобов

Нусхаси аслига тўғри:

Т.Вахобов

Маъсул судья: Вахобов Тожидин Шарофидинович

